

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.30.05.2018.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШМУМИНОВ АСҚАР АЛЛАМУРАДОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ МИЛЛИЙ КОРПУСИНИНГ СИНОНИМ СЎЗЛАР
БАЗАСИ**

10.00.01. – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Эшмуминов Асқар Алламурадович Ўзбек тили миллий корпусининг
синоним сўзлар базаси..... 5

Eshmuminov Asqar Allamuradovich Synonymous word's basis of the
Uzbek language national corpus 23

Эшмуминов Асқар Алламурадович База синонимичных слов
национального корпуса узбекского языка 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works
Список опубликованных работ..... 45

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.30.05.2018.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШМУМИНОВ АСҚАР АЛЛАМУРАДОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИ МИЛЛИЙ КОРПУСИНИНГ СИНОНИМ СЎЗЛАР
БАЗАСИ**

10.00.01. – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2019.1.PhD/Fil 700 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида, qarshidu.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пардаев Азамат Бахронович
филология фанлари доктори, доцент

Абжалова Манзура Абдурашкетовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.30.05.2018.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «5» XII соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Ўзбек филологияси факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (19 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «22» XI да тарқатилди.
(2019 йил 22.XI даги 18 рақамли реестр баённомаси).


Н.Н.Шодмонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д.
Г.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш аъзиси, ф.ф.д. (PhD)
Д.Тўраев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.

Жаҳон тилшунослигида синонимларга илмий муносабат ўз тараққиёт босқичларига эга, асосан, XIX асрдан жадал такомиллашиб бормоқда. Фарқли ва кўпинча қарама-қарши талқинларга эга синонимларнинг электрон базасини яратиш ва уни миллий тил корпусларига киритиш масаласига эса жаҳондаги энг йирик ҳажмга эга бўлган тил корпусларидагина мурожаат қилинган. Корпус лингвистикасининг ривожда гуманитар ва техника фанларига оид кўплаб ижобий жиҳатлар ўзаро бирлашади. Ҳозирги кунда ушбу соҳада амалга оширилган назарий ишлар шаклланаётган миллий тил корпуси тузувчилари учун асос вазифасини бажаради.

Дунё тилшунослигида XXI аср ва унгача бўлган даврда миллий корпусларнинг лексикография асосидаги шакллари нисбатан мукаммал ишланган, хусусан, синонимлар луғати ҳам. Бугунги кунда, корпус лингвистикаси илмий-назарий жиҳатдан мукаммал босқичга кўтарилаётган бир даврда, корпуснинг семантик разметкасида мазкур луғатлар беназир аҳамият касб этмоқда. Автоматик таржима сифатини яхшилаш, тилни лингвистик моделлаштириш, сўзларни леммалаш назарияси, алгоритмини яратиш ҳамда тилнинг кўп асрлик миллий-маданий меросдан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида уларни электронлаштириш жаҳон тилшунослигида долзарб масалага айланди. Турли хил корпуслар яратиш, мавжуд корпуслар ҳажмини кенгайтириш, матнни автоматик қайта ишлайдиган дастур(таггер, парсер)ларни ишлаб чиқиш глобаллашаётган даврда тилларнинг яшовчанлик имконияти ошишига хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилини ахборот технологиялари тилига айлантириш жараёни жадаллашди. Ўзбек тилининг интернет тили даражасига кўтарилмаганлиги ва бу йўналишда ишлар жуда суст амалга оширилаётганлиги ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб, бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифаларидандир. Ўзбек тилининг миллий корпусини тузиш учун лингвистик маълумотлар омборини яратиш ўзбек тилшунослари олдидаги муҳим муаммо эканлигини қайд қилган ҳолда “Давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш”¹ ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб вазифалардан бири эканлигини таъкидлаш лозим. Шу маънода корпус лингвистикаси истикболли йўналиш сифатида амалий тилшуносликнинг янги соҳаси бўлиб, бугунги кунда ўзбек тилшунослигида амалга ошириладиган амалий тадқиқотлар лингвистик корпусга асосланиши зарур. Ўзбек тили миллий корпуси учун синонимлар базасини яратиш, синонимларни теглашнинг лингвистик асосларини ишлаб чиқиш сингари

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони.// Халқ сўзи, 2019, 22 октябрь. №218(7448)

масалаларни замонавий тилшунослик тамойиллари асосида тадқиқ этиш долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4997-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон ва 2019 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4479-сон Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида синонимлар тадқиқи узоқ ривожланиш босқичига эга. Зеро, лисоний маънодошликка бағишланган қарашлар нафақат жаҳон тилшунослиги, туркология, қолаверса, Алишер Навоий ҳазратлари томонидан илгари сурилган назарияларда ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбек тилшунослигида синонимлар тадқиқи А.Ҳожиев, Ш.Раҳматуллаев, Ё.Тожиев, Ҳ.Шамсиддинов, М.Вафоева, М.Ҳакимова²лар тадқиқотларида ўзининг нисбатан шаклланган назарий асосини топган бўлса-да, бу борада яратилган лексикографик ишлар ҳали бу соҳада қилинажак ишларнинг салмоғи катта эканлигини кўрсатади.

Жаҳон тилшунослигида корпус лингвистикаси ўтган асрнинг 60-йилларида ўрганиш объектига айланган. Корпус ҳақидаги илк фикрлар Р.Г.Пиатровский томонидан айтилган³ бўлса-да, бу соҳадаги мақсадли тадқиқотлар 40-йилларда Блумфильд, Фрайс ва Бонджерслар томонидан бошланган⁴. Н.Френсис ва Г.Кучера томонидан корпус тузиш принципларининг ишлаб чиқилиши,

² Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. –б.; Ё.Тожиев. Ўзбек тилида аффиксиал синонимия. – Тошкент: Университет, 1991; Шамсиддинов Ҳ. Сўзлар функционал-семантик синонимларининг шаклий ва маъновий табиати. – Тошкент: Университет, 1999; Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилидасўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол. фан докт. дис. автореф. – Тошкент, 1999. – 40 б.; Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили: филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.; Ҳакимова М. Семасиология. – Тошкент, 2008.

³ Кутузов А.Б. Корпусная лингвистика. – (Электрон ресурс): Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс) - //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf.

⁴ Блумфилд Л. Язык. – М.: «Прогресс», 1968. – 608 с.; Fries Ch.C. The structure of English. An introduction to the construction of English sentences. – L., 1969; Bongers H. The history and principles of Vocabulary control. – Woerden: WOCOPI, 1947.

Ж.Синклер томонидан дастлабки инглиз корпусининг яратилиши⁵ корпус лингвистикасида илк назарий ва амалий қадам бўлди. Рус тилшунослигида В.П.Захаров, А.Б.Кутузов, Е.В.Недошивина, В.В.Риков, В.Плунгян, О.В.Кукушкина, А.А.Поликарпов, Е.В.Суровцевалар корпус, унинг турлари, ўзига хос хусусияти, корпуснинг ижтимоий аҳамияти, корпус тузиш тамойиллари борасида тадқиқот олиб боришган. Ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикаси, матнга лексикографик ишлов бериш ва лингвостатистик таҳлил этиш борасида бирмунча тадқиқотлар амалга оширилган. А.Пўлатов, С.Муҳамедов, М.Айимбетов, С.Муҳамедова, С.Каримов, Г.Жуманазарова, А.Бабанаров, Д.Ўринбоева, Н.Абдурахмонова, А.Норов ва бошқаларнинг тадқиқотлари ана шундай ишлар сирасига киради⁶. Бу тадқиқотлар матни компьютер лингвистикаси ютуқлари ёрдамида лексикографик ва лингвостатистик тадқиқ этишнинг замонавий усуллари тавсия этган бўлса-да, уларда ўзбек лингвистик корпусларини яратиш масаласи кун тартибига қўйилмаган. Ш.Ҳамроева томонидан олиб борилган тадқиқотни мана шу йўналишдаги амалий қадам деса бўлади⁷. Ўзбек тилшунослигида бу борада қилинган ишларни Ўзбек тили Миллий корпусини яратишдаги илк қадам сифатида баҳолаш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Термиз давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбек тилининг системавий тадқиқи” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

⁵Френсис Н., Кучера Г. Вычислительный анализ современного американского варианта английского языка. – М., 1967.; Синклер Д. Предисловие к книге «Как использовать корпуса в преподавании иностранного языка»/ Д. Синклер [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.ruscorpora.ru/corpora-infro.html>, свободный.; Кутузов А.Б. Корпусная лингвистика. – (Электрон ресурс): Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс)-/lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/Corpore Lingva.pdf; Недошивина Е.В. Программы для работы с корпусами текстов: обзор основных корпусных менеджеров. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург. – 2006. – 26 с.; Рыков В.В. Курс лекций по корпусной лингвистике. URL: <http://rykov-cl.narod.ru/c.html>; Плунгян В. Зачем мы делаем Национальный корпус русского языка? «Отечественные записки» 2005, №2. http://magazines.russ.ru/oz/2005/2/2005_2_20-pr.html

⁶Муҳаммедов С.А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дисс... канд. фил. наук. – Ташкент, 1980; Бабанаров А. Разработка принципов построения словарного обеспечения турецко-русского машинного перевода: Автореф. дисс... канд. фил. наук. – Л., 1981; Айимбетов М.К. Опыт лингвостатистического анализа лексики и морфологии каракалпакского публицистического текста: Автореф. дисс... канд. фил. наук. – Ташкент, 1987; Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Алфавитли луғат. Частотали луғат. Терс луғат, – Тошкент, 2007; Ризаев С. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Фил. фан. док.дис...автореф. – Тошкент, 2008; Муҳаммедова С. Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъминотияратиш. Методик қўлланма. – Тошкент, 2006; Ўринбоева Д.Б. Ўзбек фольклори матнларининг лингвостатистик тадқиқи. – Тошкент: «Фан», 2010; Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси: Фил. фан. док. дис...автореф. – Тошкент, 2017; Абдурахмонова Н.З. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (Содда гаплар мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. афтореф. – Тошкент, 2018; Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Akademnashr, 2011; Норов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Қарши, 2017. – 136 б.

⁷Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. афтореф. – Қарши, 2018

Тадқиқот мақсади синонимлар базасини шакллантиришнинг назарий асосларини ўрганиш, синонимлар разметкаси орқали синонимлар базасини такомиллаштириш тамойилларини ишлаб чиқишдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жаҳон тилшунослиги, туркология ва ўзбек тилшунослигида синонимия ҳодисасининг ўрганилишини тадқиқ этиш;

ўзбек тилининг изоҳли луғатларида синонимлар тавсифи ва талқинини ўрганиш;

изоҳли луғатларда синонимлар шарҳидаги фарқларни кузатиш;

ўзбек тилининг синонимлар луғатида луғавий маънодош бирликларнинг изоҳланишини ўрганиш;

синонимлар базасини шакллантиришнинг лингвистик асосларини тадқиқ этиш;

лингвистик разметка турларини аниқлаш ва бунда семантик разметканинг аҳамияти ва моҳиятини текшириш;

семантик разметканинг синонимлар базасини тузишда қўлланадиган усул ва воситаларини ўрганиш, уларни амалиётга фаол тадбиқ этишни назарий асослаш;

синонимлар базасини тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

семантик разметка хусусиятларини тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатидалисоний синонимлар ва уларнинг разметкаси танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тили синонимлар базасини шакллантириш, синонимик бирликларни теглаш муаммолари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, статистик, когнитив таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

синонимлар базасини шакллантиришда лисон – нутқ фарқланиши ва градуонимик (даражаланиш) тамойили лингвистик методология эканлиги асосланган;

семантик разметканинг лексема луғавий маъноси, маъно кўлами ва кўчим туридан кейинги поғонадаги босқичи синонимиктавсиф эканлиги аниқланган;

маънодош сўзлар базасини тузишда семантик разметканинг таснифий ўрни очиқ берилган;

ўзбек тилининг лисоний синонимларини теглаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида олинган хулосалар ўзбек тили миллий корпусининг синонимлар базасини тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш учун ўзига хос манба эканлиги далилланган;

диссертацияда ўзбек тили синонимлари базасининг яратилганлиги лингвистик корпус тузувчилари учун муҳим маълумот бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилган материалларнинг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилишга ёрдам берганлиги, уларнинг асосли эканлиги, методологик мукамаллиги, амалда исботланган манбаларга таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ўзбек тили миллий корпусини яратишда синонимлар базасини яратишнинг назарий асослари ва алгоритминини ишлаб чиқиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базасини ишлаб чиқиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

семантик разметканинг лексема луғавий маъноси, маъно кўлами ва кўчим туридан кейинги поғонадаги босқичи синонимиктавсиф эканлиги ҳақидаги илмий хулосалари асосида ўзбек тили синонимлари теглари лингвистик моделидан синонимлар базасининг on-line варианты фрагментини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 21 майдаги 89-03-2113-сон маълумотномаси). Натижада “Ҳозирги ўзбек тили”, “Компьютер лингвистикаси” фанлари мазмунини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини оширишга эришилди;

маънодош сўзлар базасини тузишда семантик разметканинг таснифий ўрни эканлигига доир илмий натижаларидан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг учинчи ташаббуси доирасида бажарилаётган ишларда амалиётга жорий этилди (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 2 июлдаги 04-13/3033-сон далолатномаси). Натижада ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ҳамда интернет орқали ўзбек тилига оид билимларининг такомиллашига эришилди.

синонимлар базасини шакллантиришда лисон – нутқ фарқланиши ва градуонимик (даражаланиш) тамойили лингвистик методология эканлигини ақс эттиришга доир материалларидан Сурхондарё вилояти телерадио компаниясининг “Диёр янгиликлари” ва “Бир асар шарҳи” кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё телерадиокомпаниясининг 2019 йил 9 апрелдаги 01-15/263-сон маълумотномаси). Натижада телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар янги материаллар, илмий асосланган далиллар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан чоп этилган 1 та муаллифлик гувоҳномаси, 9 та илмий мақола (уларнинг 3 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тасарруф этган илмий журналларда) ва тезисларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 131 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбек тили миллий корпусида синонимларни беришнинг лингвистик асослари”** деб номланувчи I бобида дунё тилшунослигида синонимия ҳодисасининг ўрганилиши, ўзбек тилшунослигида синонимия ҳодисасининг тадқиқи, ўзбек тили изоҳли луғатларида синонимларнинг берилиши каби ҳолатлар ҳақида фикр билдирилган.

Қадимги юнон тилшунослигининг фалсафий давридан бошлаб файласуфлар Продик, Платон, Сукрот, Демокритнинг синонимия ҳодисасига муносабати ёритилган, шунингдек, Хитой, ҳинд, араб тилшуносликларида ҳам синонимия ҳодисасининг ўрганилиши акс этган. Синонимиянинг ўрганилишига боғлиқ иккинчи босқич XVII- XIX аср оралиғига алоқадор, бунда синонимларга оид кўплаб луғат чоп этилганлиги қайд қилинган. Ушбу даврда синонимия тадқиқи И.И.Давидов, Д.П.Калайдович, М.В.Ломоносов, И.Фонвизин ва бошқалар⁸ луғатчилик ҳамда синонимларни текшириш орқали муносабатини билдиришган.

С.Г.Бережан ХХI асргача синонимлар шунчаки нутқни бойитувчи восита сифатида ўрганилганини таъкидлаганлиги қайд қилинган. XIX асрнинг иккинчи ярми ҳамда XX асрнинг ўрталарига келиб синонимларни ўрганиш долзарблик касб этган. Семасиологиянинг фан сифатида эътироф этилиши эса олимларнинг ушбу тадқиқ объектига жиддий ёндашувларга туртки бўлди. Айтиш мумкинки, **“йигирманчи аср “синонимияни ўрганишнинг олтин асрига айланди”**⁹. XX асрнинг 50–70-йилларида фаннинг

⁸XVIII ва XIX асрларда синонимлар луғатини тузишда Д. И. Фонвизиннинг хизматлари улкан. Шунингдек, Н. Абрамовнинг 1890 (1-нашр), 1915 (4-н.), 1994 (5-н.) йилларда чоп этилган «Словарь русских синонимов и сходных по смыслу выражений» – М.: Русские словари, 1994. – 502 с.; 1840 йилда А. И. Галичининг «Словарь русских синоним или словослов, составленный редакцией нравственных сочинений» (226 словарных статей) издание в виде книги (I часть), П. Ф.Калайдовичнинг 1818 йилда нашр этилган «Опыт словаря русских синонимов» (77 групп синонимов) издание в виде книги (I часть), 1783 йилда Д. И. Фонвизин томонидан нашр этирилган «Опыт российского словословника» (32 группы синонимов) журнал «Собеседник Любителей Российского Слова» (ч. I, IV, X) асарларини эътироф этиш керак.

⁹Шумилова А.А. Истоки исследования синонимии в философских и лингвистических учениях. http://www.rusnauka.com/4_SND_2013/Philologia/3_127613.doc.htm; Горбачевич К.С. Русский синонимический словарь. [Ин-т лингвист. исслед. РАН]. – СПб: ИЛИ РАН, 1996. – 510 с.; Зимин В. И., Алекторова Л. П., Ким О. М., Колесников Н. П., Шанский В. Н. Учебный словарь синонимов русского языка (2800 синонимических рядов) – М., 1994; Жуков В. П., Сидоренко М. И., Шкляр В. Т. Словарь фразеологических синонимов русского языка. – М., 1987; Евгеньева А. П. Словарь синонимов. Справочное пособие. – М., 1975; Евгеньева А. П. Словарь синонимов русского языка. – Л.: Наука, 1970 – 1971. – Т. 1–2.; 1968 г. (1-изд, 1969 г. (2-и.), 1975 г. (4-и.), 1986 г. (5-и.), 1989 г. (6-и.), 1993 г. (7-и.), 2001 г. (11-и.) Александрова З. Е. «Словарь

ривожли лингвистикада синонимиянинг ривожига сабаб туғдирганлигини қайд қилиш мумкин.

Ўзбек тилшунослиги фанида синонимия ҳодисасига бағишланган тадқиқотлар асосан XX асрнинг 60-йилларига тўғри келган.

Ўзбек тилшунослигида синонимларни ўрганиш ўз тарихий тадрижига эга, уни шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкинлиги қайд қилинди:

- I босқич: XX асргача бўлган давр;
- II босқич: 1920-1930 йиллар;
- III босқич: 1950-1960 йиллар;
- IV босқич: 1960-1980 йиллар;
- V босқич: 1980-2000 йиллар;
- VI босқич: 2000ва ундан кейинги йиллар.

XX аср иккинчи ярмидан ўзбек тилшунослигида сўзлар (синтактик конструкциялар)даги синонимияга муносабат тараққий этиб, бу борадаги изланишлар XXI аср ўзбек тилшунослигида ҳам зинҳор сусаймаганлиги қайд қилинган.

Бобда ўзбек тилининг изоҳли луғатларида синонимларнинг таърифи ва тавсифи масаласига муносабат билдирилган. ЎТИЛ нинг икки нашрида синонимларга берилган изоҳлар шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

- 1) изоҳи ва мисоллари айнан бўлган синонимлар;
- 2) изоҳи бутунлай янги, мисоллари айнан;
- 3) изоҳ қисман янги, мисоллар айнан;
- 4) изоҳ қисман янги, мисоллар қисман ўзгарган;
- 5) изоҳлар айнан, мисоллар янги;
- 6) изоҳлар ҳам, мисоллар ҳам янги;
- 7) олдингисида йўқ, янгисида бор;
- 8) синонимига ишора қилиш асосида айн. деб изоҳлаш (олдингисида ва кейингисида).

Юқорида келтирилган гуруҳларга ЎТИЛнинг икки нашрида келтирилган изоҳлар келтириб ўтилган.

Навбатдаги боб аввалида синонимларнинг тавсифига доир қуйидаги жадвални¹⁰ келтириб ўтмоқни жоиз деб билдик (1-жадвал). Зеро, корпусларнинг семантик разметкаси масаласида бу сингари таснифлар алоҳида аҳамият касб этади.

синонимов русского языка» – М.: Рус. яз. 2001. – 567 с. (11 000 синонимических рядов); Ключева В. Н. Краткий словарь синонимов русского языка. – М., 1956 г., 1961 г. (2-изд.); Павлов-Шишкин В. Д., Стефановский П. А. Учебный словарь синонимов русского литературного языка. – М., 1930 г., 1931 г. (2-изд.).

¹⁰<http://book-science.ru/humanities/linglang/lexicology/leksiko-semanticheskaja-paradigma-chast-3.html>

Синонимларнинг жадвалли таснифига доир намуна

Синонимик парадигма	Синонимларнинг лексик маъноси	Синонимларнинг семик таркиби				Синоним типлари		Синонимларнинг услубий хосланиши
		Интеграл семалар	Дифференциал семалар			семантик	структуравий	
			Миқдор билдирувчи семалар	Эмоционал-экспрессив коннотация	Услубий сема			
Енгил (доминанта)	‘тушуниш’, ‘ўрганиш’, ‘ўзлаштириш’ ‘ва’ ‘бажариш’ да ‘кийинчилик’ ‘туғдир’ ‘майдиган.’				нейтр.		Бир асосли	Барча услублар учун
Қийин эмас	‘етарли’ ‘даража’ да ‘енгил’		‘етарли’		нейтр.	идеографик	Ҳар хил асосли	Барча услублар учун
Оддий	‘алоҳида ақл, билим ва кўп меҳнат талаб қилмайдиган’		‘алоҳида’		нейтр.			Барча услублар учун
Элементар	‘жуда оддий’	«	‘жуда’		нейтр.	«	«	Илмий
Мураккаб эмас	‘заррача’ ‘машаққат’, ‘қийинчилик’нинг ‘мавжуд’ ‘эмас’лиги	‘Жуда’ ‘осон’	‘заррача’		Сўзлашув	Идеографик-услубий	«	Расмий, илмий, публицистик

“Ўзбек тили миллий корпусида синонимия ҳодисасини разметкаланишнинг назарий масалалари” деб номланувчи II бобда корпус лингвистикасининг тадрижий тараққиёти, терминологик аппарати, синонимик разметканинг ўзиги хос жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Корпус лингвистикаси компьютер лингвистикасининг мустақил бўлими, лингвистик корпуслар (матн корпуслари)ни тузиш ва ундан фойдаланиш тамойилларини компьютер технологияларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқиш билан шуғулланади¹¹. У XX аср 90-йилларининг ўрталаридан тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида ривожлана бошлаганлиги қайд қилинган. Корпус лингвистикаси матн корпуслари таҳлили билан шуғулланувчи фан сифатида Ғарбий Европа ва АҚШда 1960 йиллар охирида вужудга келди. Компьютер ва ахборот-коммуникатив технологияларининг шиддатли ривожини натижасида 1980 йиллар ўрталарида турли тил ва ҳажмдаги корпус лойиҳалари яратилди. Хусусан, Британия миллий корпусидан¹² илҳомланиб яратилган рус миллий корпуси ҳам ўз ичига 163 млн (бугунгача эса 500 млн.) тарихий ва замонавий қатламга тегишли сўзларни киритганлиги билан машҳур¹³. Ушбу корпус қуйидаги бўлимлардан иборат:

- 1) асосий корпус (XVIII-XXI асрга доир насрий матнлар);
- 2) синтактик корпус (ҳар бир гап учун морфологик ва синтактик курилманинг келтирилганлиги);
- 3) газета корпуси (1990-2000 йиллар ОАВ мақолалари);
- 4) параллел корпуслар (тегишли сўзнинг хорижий тилдан рус тилига ва рус тилидан хорижий тилга бўлган таржимаси);
- 5) диалектал матнлар корпуси;
- 6) шеърӣ матнлар корпуси;
- 7) рус тилини ўргатувчи корпус (содда мактаб ўқув дастурига асосланган);
- 8) оғзаки нутқ корпуси;
- 9) мультимедия материаллари корпуси (1930-2000 йиллар кинофильмлари жамланган);
- 10) русча урғу тарихининг корпуси (урғу тарихига оид матнлар)¹⁴.

Олимларнинг қайд этишича, XX асрнинг 90-йилларига келиб, яратилган корпусларнинг сони 600 дан ошган. Уларнинг яратилиш санаси йилларга нисбатан қуйидагича тақсимланган.

¹¹ Захаров В.П. Корпусная лингвистика. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург, 2005. – 48 с.

¹² Британия Миллий корпуси (British National Corpus – BNC)га тенг равишда, инглиз тили корпусларидан яна: инглиз тили Халқаро корпуси (International Corpus of English – ICE), инглиз тили лингвистик Банки (Bank of English), Ҳозирги замон Америкаинглиз тили Корпуси (Corpus of Contemporary American English – COCA) ва б.ларни ҳам келтириб ўтиш мумкин.

¹³ Майорова А.Д. Корпусная лингвистика: исторический и лингводидактический аспекты/ Педагогические Науки. Выпуск № 5(59) Май 2017.

¹⁴ Майорова А.Д. Корпусная лингвистика: исторический и лингводидактический аспекты/ Педагогические Науки. Выпуск № 5(59) Май 2017.

Бобда компьютер ва лисон ўртасида тўғридан-тўғри “ўзарочилик” тамойили мавжудлиги ҳам аниқланди; у *компьютер – дастур – билим – лисон/тил* концепцияда ҳам кўринади¹⁵. Корпус лингвистикасининг асосий тушунчаси – лингвистик корпус. Корпусга матнлар муаммога тегишлилик нуқтаи назаридан, яъни тилшунос тадқиқотчилар учун муҳим бўлган тематик алоқадорлик асосида танланади. Муаммолар соҳаси – тематик кўлам икки аспектдан иборат, ўзида тил ва нутққа доир матнларни жамлайди. Тил аспекти энг тадқиқотталаб соҳа бўлса, нутқ аспекти тил аспектига доир ҳолатларни акс эттирувчи контекстлардан таркиб топади. Матнларни ҳажмига кўра саралаш муаммоси эса корпус яратишнинг муҳим масалаларидан. Мазкур жиҳат корпуснинг *мукаммаллик* жиҳатини таъминлаб беради. Матнларни саралашюзасидан корпуслар қуйидаги турларга бўлинади:

- мувозанатга солинган корпуслар;
- мониторли корпуслар.

Матн бирликларига тегишли қўшимча лингвистик ва металингвистик ахборот (аннотация) – разметкани амалга ошириш зарурати юзага келади. Замонавий корпусларда метаразметка(матнга боғлиқ экстралингвистик маълумотлар)дан ташқари, лингвистик таърифни ифода этувчи: морфологик, синтактик, фонетик ва ҳ. турдаги разметка амалиёти амалга оширилади. Матн корпуси тушунчаси ўз ичига бир неча атамани жамлайди. Хусусан, корпус менеджери (корпус-менеджер) – корпус ичида тегишли маълумотларни излашга, фойдаланувчига тегишли маълумотлар юзасидан статистик ахборотни тақдим этувчи ҳамда истёъмолчилар оммасига уларга мақбул бўлган шаклдаги ахборотни узатишга ихтисослашган дастурларидан таркиб топувчи махсус қидирув тизим. Ўз навбатида, корпусдаги қидирув ўзига хос конкорданс – манбаси кўрсатилган контекстларда изланаётган лисоний бирлик тўғрисидаги барча қайдлар рўйхатини шакллантиради. Гарчи, олимлар бугунги кунгача корпус лингвистикасини назарий асослари етарлича шаклланмаган соҳа сифатида таснифласалар ҳам, умид борки, келажакда тадқиқотчилар корпусга шунчаки ахборот ресурси сифатида эмас, балки ўз методологик асослари ҳамда илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган соҳа сифатида ёндаша бошлайдилар.

Шу ҳолатда анъанавий ва корпус лингвистиканинг ўзаро фарқлари қуйидагиларда кўринади (1.2-жадвал).

¹⁵ Шемякин Ю.И. Начала компьютерной лингвистики: Учеб. пособие. – М.: Изд-во МГОУ, А/О "Росвузнаука", 1992.

Анъанавий ва корпус лингвистиканинг ўзаро фарқлари

Хусусиятлар	Анъанавий лингвистика	Корпус лингвистикаси
Йўналганлик	Тил/лисон тадқиқи	Нутқ тадқиқи
Тадқиқ объектига нисбатан	Назария орқали нутқ ходисаларини тушунтириш	Матн корпуси
Усуллар	Квалитатив	Квантитатив
Матнга муносабат	Мавҳумлик	Физик мавжудлик

Корпуслар разметкаланганлик белгисига кўра ҳам муайян тоифаларга бўлинади. Бунда *разметка* атамаси билан ёндош ҳолда, бўлинишни ифодаловчи: *индексланган, индексланмаган, аннотацияланган, аннотацияланмаган, тегланган, тегланмаганлик* терминлари ҳам учрайди. Разметкаланган корпусда сўз ва жумлаларга разметканинг морфологик, синтактик, семантик, просодик ва ҳ. турини ифода этувчи лингвистик разметкага кўра *тегл*ар бириктирилади¹⁶.

Лингвистик разметканинг тамойиллари мавжуд, булар:

- 1) разметка схемаси/тузилишини тавсифлаш (асослаш);
- 2) лингвистик тушунчаларнинг умумқабул қилинган системаси;
- 3) таҳлилнинг фойдаланувчига маълум бўлган схемаси;
- 4) параметрларнинг асослантирилган тарзда киритилиши;
- 5) разметканинг анъанавий схемаси;
- 6) халқаро стандартларга амал қилиш¹⁷.

Семантик тег (рус., разметка) – сўз ёки сўз бирикманинг маълум бир семантик категория ёки ундан ҳам кичикроқ семантик гуруҳ(ЛСГ, семантик майдон ва тўда)га мансубликни билдирувчи, маънони махсуслаштирувчи белги, изоҳлар мажмуи¹⁸. Корпусларнинг семантик теглари сўз маъно(лар)и спецификаси, сўзнинг омонимлик, синонимлик билан боғлиқ изоҳлар мажмуини тузиш, сўзни категориялаш, унинг мавзувий гуруҳ, ЛСГ, семантик майдонга мансублигини белгилаш, деривацион характеристикаси, аташ маъноси каби белгиларни қамраб олади.

“Ўзбек тили миллий корпусида синоним сўзларни теглаш ва унинг дастурий таъминоти” деб номланган III бобда корпусда синоним сўзларни теглаш, унинг дастурий таъминоти, теглаш алгоритмлари ҳақида фикр билдирилган.

Синоним лексемалар бир қанча умумий семаларга эга бўлиши билан бирга, семантик жиҳатдан қуйидагича фарқланишларга ҳам эгаллиги аниқланди:

¹⁶ Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика: учебник для студентов гуманитарных вузов. – Иркутск: ИГЛУ, 2011. – С. 25.

¹⁷ Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика: учебник для студентов гуманитарных вузов. – Иркутск: ИГЛУ, 2011. – С. 45.

¹⁸ Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика: учебник для студентов гуманитарных вузов. – Иркутск: ИГЛУ, 2011. – 161 с. – С. 48-49.

- 1) коннотатив маънодаги фарқлилик;
- 2) денотатив маънодаги фарқлилик;
- 3) услубий фарқ.

Изоҳ ва тавсифлар асосида синонимларнинг турлари ҳақида аниқ бир тўхтамга келиш лозим. Демак, синонимларнинг абсолют/мутлақ синоним (а); идеографик/семантик синоним (б); услубий синоним (в); контекстуал/матний синоним (г); фразеологик синоним (д) каби турларини ажратдик. Мавжуд изоҳли луғатлар тил бирлик(синоним)ларни теглаш учун база вазифасини бажаради. Бунинг учун мавжуд луғатлар қандай ишловдан ўтиши лозим, луғатлар қандай кўринишга келса, улардан автоматик теглашда фойдалана оламиз каби саволларга мавзунинг шу қисмида жавоб топамиз. Ўзбек тилининг мавжуд синонимик луғати ҳозирги ўзбек адабий тили учун характерли бўлган синонимик қаторларни ўз ичига олган. Аммо барча синонимик қаторларни қамраб ололмаган. Унга фақат лексик (лисоний) синонимларгина киритилган. Тил корпуслари эса контекстуал синонимларни ҳам қамраб олиши лозим. Энг муҳим иш – синонимик қаторни, доминантани аниқлаш ва уларни теглаш:

1) луғатнинг электрон матнида синонимик қатор ажратиб кўрсатилади: {куй, тарона}, {кифоя, етарли, етади, бўлади, бўлди, бас}. Мана шу чегара дастурлаш учун синонимик қатор аъзоларини белгилаб беради;

2) луғатнинг электрон матнида синонимик қатор доминантаси аниқланади ва асосий лемма белгиси билан ажратилади. Масалан: *кутмоқ*, *пойламоқ*. Ушбу синонимик қаторда *кутмоқ* доминанта, демак уни асосий лемма сифатида белгилаймиз: <<*кутмоқ*>>, <*пойламоқ*>, <<*кулги*>>, <*ханда*> каби. Умумий ҳолатда эса {<<*кутмоқ*>>, <*пойламоқ*>}, {<<*кулги*>>, <*ханда*>} шаклини олади.

Бобда электрон базага киритилаётган лингвистик маълумотлар қайси тамойиллар эвазига сараланиши аниқланди.

Саралаш тамойиллари синонимлар базасининг лингвистикқийматини белгилайди, бинобарин, у билан боғлиқ амалга ошириладиган тадқиқотлар самарадорлиги ҳам шунга мувофиқ белгиланади. Бунда бевосита қуйидагилар инобатга олинади:

- 1) синонимлар базасига киритилаётган бирликларнинг қайси қатламга мансублигини белгилаш;
- 2) базавий маълумотлар ҳажмини белгилаш;
- 3) базага киритилиши лозим бўлган матн манбаларининг тури, шакли, жанри ва б. хусусиятини белгилаш;
- 4) синонимик материалларни мазкур ҳодисанинг тилнинг қайси катламига тегишлилигига кўра саралаш;
- 5) киритилаётган бирликнинг частотасига эътибор бериш;
- 6) базага киритилувчи маълумотларнинг даврийлик жиҳатини белгилаш.

Маълумки, корпус материалларини саралаш амалиёти дастлаб Р.Г.Пиотровскийнинг 1965-1980 йиллар оралиғидаги тадқиқотлари эвазига мукаммаллаштирилган. Бу борада Л.Н.Засоринанинг частотали луғати ҳам назардан четда қолдирилмаган. Кўринадики, сараланаётган тўплам, унинг статистик кўрсаткичлари, даврий кесим бизнинг тадқиқ объектимиш – синонимлар базасини яратишда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Корпус матнларининг асосий бирлиги сифатида сўз, сўз бирикмалари, ўзак(асос, леммалар) ҳамда жумлалар танланиши мумкин. Албатта, базанинг ҳажми уни яратувчиларнинг мақсадига кўра аниқланади, бу, одатда, тадқиқ предмети ўрнида танланган материалларнинг кўламига нисбатан белгиланади¹⁹.

Юқорида таъкидлаганимиз сингари, корпусга киритилаётган синонимлар базаси, даставвал, синонимик луғатларни тартибга солиш талабини ўртага ташлайди. Ҳолбуки, лексикографик асарларнинг тури уларнинг энциклопедик ва лингвистик хусусиятига нисбатан белгиланади. Бинобарин, энциклопедияда предмет, тушунча, ҳодиса ҳақида ахборот берилса, лингвистик луғатда сўзлар ҳақида маълумот берилади. Зеро, лингвистик луғат бир тилли, икки тилли, кўп тилли сингари турларга бўлинадики, кўп тилли луғат, одатда, таржима мақсадида тузилади. Бир тилли луғатда сўз маъноси шу тил асосида тушунтирилса, икки тилли луғатларда муайян сўзнинг маъноси икки тилдаги қиёси эвазига тушунтириб берилади.

